



## GLOBAL IDEOLOGICAL PROCESSES IN SOCIAL MEDIA

**Shukhrat Mamatkulov**

Associate Professor

Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Spiritual life, mass culture, alien ideological ideas, threats, religious extremism, terrorism, missionary and virtual influence.

**Received:** 10.12.24

**Accepted:** 12.12.24

**Published:** 14.12.24

**Abstract:** It is no secret from this article that in the process of globalization, the scale and manifestations of ideological and ideological threats are increasing. We believe it is important to highlight such cases in the period when the means of influence are increasing.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ГЛОБАЛ ГОЯВИЙ ЖАРАЁНЛАР

**Шуҳрат Маматқулов**

доцент

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар.** Маънавий ҳаёт, оммавий маданият, ёт мафкуравий гоялар, таҳдидлар, диний экстремизм, терроризм, миссионерлик ва вертуал таъсирлар.

**Аннотация:** Ушбу мақоладан глобаллашув жараёнида гоявий ва мафкуравий таҳдидларининг кўлами ҳамда кўриниши ортиб бораётгани ҳечкимга сир эмас. Ана шундай, таъсири воситаси кучайиб бораётган даврда бундай холатларни ёритиб беришни муҳим ҳисоблаймиз.

## ГЛОБАЛЬНЫЕ ИДЕЙНЫЕ ПРОЦЕССЫ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ

**Шуҳрат Маматқулов**

Доцент

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Духовная жизнь, массовая культура,

**Аннотация:** Из этой статьи ни для чуждыекого не секрет, что в процессе

идеологические идеи, угрозы, религиозный экстремизм, терроризм, миссионерское и виртуальное влияние.

глобализации увеличиваются масштабы и проявления идеологических и идеологических угроз. Мы считаем важным осветить такие случаи в период, когда средство воздействия усиливается.

**Кириш (Introduction).** Бугунги даврда энг кучли таъсир воситасига айланган ахборот технологиялари нафақат бизни балки қундалик ҳаётимизни ҳам унга боғлаб қўйди. Ижобий ва салбий таъсирларни айнан шундай ахборотлар ва ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилмоқдамиз.

**Адабиётлар таҳлили (Literature review).** Бу масалаларга кўплаб дунёning етук олимларни ўз фикрнини қаратишган, улар В.Канке, А.Ракитов, В.Стёпин, В.Горохов, М.Розов сингари олимлар маҳсус илмий-назарий қарашларни ишлаб чиқишиган. Жумладан, В.Канке ахборот соҳасини бир томонлама ечим сифатида изоҳлаган.

**Тақиқот метадологияси (Research Methodology).** Айнан шундай ёндашувларни ўзининг илмий-фалсафий қарашларида ифодлаган олимлар И.Саифназаров, С.Сангинов, Б.Тўраев, Г.Гаффарова, Э.Иззетова, А.Тулепов, М.Ёқубова, Мухаммад Амин Яхё, Ф.Усмонов, Б.Примов ва А.Бобоқуловларда кузатишимиз мумкин. Шундай жараёнларни анализ-синтез, илмий ва методологик жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда ўз қарашларимиз орқали таҳлил этишимиз кераклигини кўрсатмоқда.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларнинг балки, аҳолининг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган таҳдидлар ичида диний экстремизм ва миссионерлик, шунингдек, “оммавий маданият” ғоялари алоҳида ўрин тутмоқда. Шу нуқтаний-назардан, тарғибот ишлари – республикада соғлом мафкурали муҳитни таъминлаш, аҳолида диний экстремистик оқим, миссионерлар ва бошқа ёт мафкуравий марказларнинг тажовузларидан ғоявий иммунитетни шакллантириш, юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда, огоҳлик, шахсий маъсуллик ва дахлдорлик ҳиссини оширишга йўналтирилган маънавий-маърифий фаолият тизимини англаатади.

Диний соҳадаги аксилтарғибот ишлари – Ўзбекистонга қарши ғаразли мақсадларда амалга оширилаётган мафкуравий қўпорувчилик ишларига қарши жавоб тарғибот ишлари бўлиб, республиканинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти, иқтисодий, маданий-маънавий, диний соҳаларда кечеётган жараёнларга нисбатан тарқатилаётган уйдирма ва бўхтонларнинг олдини олиш ва фош этишга йўналтирилган маънавий – маърифий фаолияти тизимини англаатади.

Интернет тармоғида тарқатилаётган маълумотлар таҳлили диний экстремизм ғояларининг тарғиботи хужумкор ва агрессив тарзда, чуқур назарий асосда амалга оширилаётганидан далолат бермоқда. Ёшлар онгига табиясига таҳдид солаётган аксарият

экстремистик сайтлар, блог ва формулалар рус ва ўзбек тилларида бўлиб, хориждаги манфаатдор кучлар томонидан нафакат республикада, балки Марказий Осиёда бекарорликни келтириб чиқариш мақсадида фойдаланмоқда. Мазкур сайтларда диний экстремизм мағкураси билан бирга давлатлараро низолар келтириб чиқаришга мўлжалланаган айрмачилик ва миллатчиликни авж олдиришга қаратилган ғоялар ҳам илгари сурилмоқда.

Эндиликда ижобий ва салбий ахборотларнинг глобал тармоққа чиқиши учун бир сония кифоя”[1]. Айни пайтда интернет ёшлар қундалик ҳаётининг ажralмас қисмига айланди. Компьютер ўйинлари авж олиб унда соатлаб, қунлаб ўтириб, турли вертуал ютуқларни “қўлга киритган” ёшлар учун улар чинакамига қимматли маъно касб эта бошлайди ва бундай ишга аямай пул сарфлайди. Мана шундай ўйинлар ёшларни виртуал қарамлика бошлайди. Сиз ҳар куни витуал ҳаётга муккасидан кетиб шўнғиб юрган бўлсангиз, ундан яхшиси воз кечишни ўрганинг, лекин бу оғир ва мураккаб бўлади.

Бу ўринда тараққийпарвар инсоният эришган жамийки ютуқлар миллатимиз ривожига хизмат этадиган умуминсоний қадриятлар ва демократия тамойилларини инкор этишдан йироқмиз. Биз фақат асрлар оша сайқал топиб келган миллий урф-одат ва анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви лозимлигини таъкидламоқчимиз холос. Шунингдек, ҳалқимизнинг неча асрлик маданий-маънавий мероси, урф-одат анъаналарини тарғиб этибина қолмай бошқа миллату-элатлар қадриятлари ва оиласи анъаналарини ўрганиш ўзга ҳалқлар таълим-тарбия тизимида рўй берётган ижобий ва салбий ўзгаришларни таҳлил этиш ҳам юртимизда оила институтининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш ёшларимизни зийрак ақл фаросатли, доно илм маърифатли, ватанимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига фидокорона хизмат қиласидиган этиб тарбиялашга замин яратган бўлар эди.

Жамиятни ахборотлаштириш одамларга ижодий яратувчилик қобилиятининг юксалишига имконият яратади. Оила ахлоқий қадирятларга асосланади, ахлоқ эса берилаётган ахборот ва ахлоқий меъёрларга асосланади. Инсон ахлоқли бўлиб туғилмайди. Ахлоқ оила ва ҳаёт жараёнида, яъни амалий фаолият натижаси сифатида ҳосил бўлади. Инсоннинг янги ахборотларни билиши ва ўрганиши натижасида ҳосил бўлган билимлари узоқ давом этадиган мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, у билмасликдан билишга қараб боради. Ёш авлодни ёт ва заарли ғояларлардан муҳофаза қилиш, фуқароларимизда турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтириш, мамлакатда ва оиласи барқарорликни мустаҳкамлаш бунунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимизда 2016 йил 14 сентябрь қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонунида ҳам ўз ифодасини топган. Қонунга мувофиқ **ёшлар (ёш фуқаролар)** — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўтгиз ёшдан ошмаган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, қонуннинг 5-модда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Шунинг ҳам ёшларимизни бугунги кун қонун ва талабига жавоб бера оладиган ҳолда тарбиялаш лозимлигини кўрсатмоқда.

Айниқса, ёшларини етук билимли шахс сифатида шакллантиришида оила ва маҳалланинг ўрни ва таъсири ҳам бекиёсдир. Таълим-тарбия асосан оиласдан бошланади, оиласда фарзандлар тарбияси, келажаги, бирон бир касбни эгаллаши, билим олиши каби ҳаётий тушунчалар ана шу муқаддас даргоҳда пайдо бўлади. Баркамол авлодни маънавий ҳётини юксалтиришда маҳалланинг таъсирига тўхтадиган бўлсак, азалдан ўзбек маҳаллалари миллий қадриятлар маскани ҳисобланади. Ўзбек халқига хос урф-одат маросимлар ва анъаналар авваломбор оила муҳитида шаклланади ва ривожланади.

Ёшларимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳар бир соҳада етук мутахассислар тайёрлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Мана шу зарурат туфайли сўнги йилларида таълим-тарбия соҳасида жиддий ислоҳотлар ўтказилди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда.

Жумладан, 2017 йил 30 июнь куни мамлакатимиз раҳбари томонидан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳарактининг IV қурилтойида сўзлаган нурқида “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи”ни ташкил этиш таклифини билдириди ва 2017 йил 5 июль Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги фармонига имзоланди. Унга кўра “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил” топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонланадиган бўлди ва 2018 йил 30 июнь юртимизда “Ёшлар куни” тантаналари кенг нишонланди [2].

Шунингдек, 2018 йил 27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев фармони билан “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури қабул қилинди [3]. Бу орқали бугунги кунда жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар ёшларимизни келажакка бўлган ишончини янада мустахкамламоқда деб айта оламиз..

**Хуроса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).** Мухтасар қилиб айтганда, шундай қувонарли ташаббуслар ва таълим-тарбия борасидаги янгиланишлар бугунги кунга келиб ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Таъбир жоиз бўлса, миллатимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган бу жараёнларни эндиликда кенг жамоатчилик ҳақли равишда эътироф этмоқда. Шундай қилиб, бугунги дунёда ахборотлаштириш жараёнлари

сиёсий мунозаралар обьектига ҳам айланмоқда. Ахборотлаштириш ижтимоий-техник жараён сифатида жамиятнинг сиёсий ҳаёти, энг аввало, уни демократлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Ахборотлаштиришнинг кўлами, суръати ва йўналиши жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларга, жумладан, фан, таълим, умумий маданиятнинг глобаллашув даражасига ҳам узвий боғлиқ.

### АДАБИЁТЛАР (References)

1. <https://iymon.uz/article/ahborat-asri-talikalari> 12.01.2020
2. 2017-2018 йиларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий – услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети.- Тошкент: “Маънавият” 2017. 245 бет.
3. <https://lex.uz/docs/3869137>
4. Примов, Б. (2024). Ахборотлашган даврда оммавий ахборот воситаларининг ўрни. Фалсафа ва ҳуқуқ. Б-208
5. Primov, B. (2024). Axborotlashgan davrda axloqiy qadriyatarning yemirilishi *Oriental Journal of History, Politics and Law*, P.286-292 <https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>
6. Примов, Б. (2024). Ахборотлашган даврда ахлоқий қадриятлар. International journal of philosophical studies and social sciences, 4(4).143-148.
7. Примов, Б. (2024). Ахборт асрида кибер информацион хафвсизлик. ЎзМУ хабарлари. Б-147-149.
8. Примов, Б. (2024). The impact of cyber information on human life. Высшая школа: научные исследования. Материалы Международного конгресса (г. Москва, 17 октября 2024 г.): Том 1. – Москва: Издательство Инфинити, 2024. – 110 с.